



Temir yo'llar mamlakatimiz iqtisodiyoti-ning qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan chiqa boshlagan

Бугун жонажон юртимизга гўзаллик ва нафосат, яшариш ва янгиланиш, меҳр ва оқибат байрами – Наврўз кириб келар экан, дала ва қирларимиз, боғ ва яйловларимиз кўк-лам ёмғирлари – обираҳматдан баҳраманд бўлиб, бўлғуси мўл ҳосил, кут ва баракадан дарак бермоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

НАВРЎЗ – МЕҲР-ОҚИБАТ, БУНЁДКОРЛИК, БАҲРИКЕНГЛИК БАЙРАМИДИР



ОДАМИЙЛИК ДИЁРИНИНГ НАВРЎЗ ШОДИЁНАСИ

21 март куни “Янги Ўзбекистон” боғида Наврўз шодиёнаси бўлиб ўтди.

Боғ ҳудуди байрам шукӯҳига бурканган. Наврўз билан боғлиқ анъаналар намойиши, миллий маданий марказлар кўргазмалари ташкил этилган.

Байрам тадбирига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташриф буюриб, халқимизни самимий табриклади.

– Бугун бепоев Ватанимизнинг воҳа ва водийлари, шаҳар ва қишлоқлари, боғ ва майдонларида эл-юртимиз катта шоду хуррамлик билан Наврўз сайилларини ўтказмоқда. Қалбларимиз қувончга тўлиб турган ушбу дилбар лаҳзаларда кексаю ёш, жамки юртдошларимизни чин дилдан қўлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва энг эзгу тилақларимни изҳор этаман, – деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, Наврўз – шарқона янги йил, табиатнинг янгиланиш палласи. Бу фалсафа ва қадриятлар Янги Ўзбекистон гоёси билан уйғундек гўё. Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-хуқуқларини амалда таъминлаш, барча шаҳар ва туманлар аҳолиси учун муносиб шароит яратиш бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар ҳар томонлама ривожлантирилмоқда, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спортга катта эътибор қаратилмоқда.

– Ҳаётимизни янада гўзал ва обод қилишда биз мўътабар отахон ва онахонларимиздан, уларнинг доно маслаҳатлари ва дуойи фотиҳаларидан куч-қувват оламиз. Миллий тараққиётимизни янги босқичга кўтариш йўлида мардона меҳнат қилаётган ҳурматли ака-укаларимиз, азиз опа-сингилларимизга – бутун халқимизга ишонамиз ва таянамиз, – деди Президент.

Давлатимиз раҳбари Ватан равнақи йўлида муносиб хизмат қилаётган барчага ташаккур изҳор этди. Келгуси ойда ўтайдиган муҳим сиёсий тадбирда фуқаролар юксак сиёсий таваққур ва маданиятини намоев этишига ишонч билдирди.

Деҳқон ва фермерлар, спортчилар, ёшларнинг ютуқлари ёдга олинди.

Халқимизга хос савобли амалларни фақат Наврўз айёмида эмас, балки ҳар куни адо этиш лозимлиги таъкидланди.

– Бугун биз барпо этаётган ижтимоий ва халқларвар давлатда меҳр-шафқат, саховат ва ҳиммат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ҳаётимиз қондасига айланиши зарур. Токи азалдан “одамийлик диёри” деб шуҳрат қозонган Ватанимизда ҳар бир инсон халқимиз ва давлатимизнинг меҳри ва эътиборини тўла ҳис қилиб яшасин, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президент юртимиз мусулмонларини, бутун ислом умматини яқинлашиб келаётган Рамазон ойи билан ҳам муборакбод этди.

Хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, уларнинг мамлакатлари ва халқларига ҳам эзгу тилақлар йўлланди.

Байрам катта концерт дастури билан давом этди. Фольклор-этнографик жамоалар ва санъаткорларнинг чиқишлари, миллий ўйин ва аскиялар барчага завқ-шавқ улашди.

Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, парламент ва ҳукумат аъзолари, турли ҳудудлардан меҳмонлар, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Тантанадан сўнг, Президент Шавкат Мирзиёев миллий маданият марказлари ва халқ амалии санъати кўргазмаларини кузатди. Байрамга келган одамлар билан суҳбатлашиб, уларни табриклади.

Наврўзи оламни биз барча Шарқ халқлари қатори азал-азалдан, аниқроғи, минг йиллар давомида нишонлаб келамиз. Демак, Наврўз кеча ёки бугун шаклланган байрам эмас, балки ўзида минг бир тарихни мужассам этган, инсонларни меҳр-мурувватга, диёнатга бошлаган, адолат ва инсонийлик тамойилини намойиш этган қўтлуг айёмдир.



Бу дилбар фаслда табиатнинг фусункорлиги ва уйғониши билан ўзимизни янгитдан тугилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужудимизда эзгу ниятлар жўш уради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 мартдаги “2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамини тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси в.б. Х.Хасиловнинг 2023 йил 13 мартдаги “Наврўз

умумхалқ байрамини нишонлаш тўғрисида”ги буйруғи асосида республикамизнинг барча ҳудудларида темирйўлчилар ҳам ушбу айёмни кўтаринки руҳда нишонлашмоқда. Хусусан, минтақавий темир йўл узелларида, корхона ва ташкилотларда, тиббиёт ҳамда ўқув муассасаларида соҳа ходимларини Наврўз умумхалқ байрамини катта тантана билан нишонлашлари учун барча шароитлар яратилди. Уларда юзқаруви раиси в.б. Х.Хасиловнинг 2023 йил 13 мартдаги “Наврўз



Баҳор байрами тармоқнинг “Тошкент”, “Қўқон”, “Қарши”, “Бухоро” ҳамда “Қўнғирот минтақавий темир йўл узели” унитар корхоналарида турли шаклларда тантана қилинди. Байрам муносабати билан дошқозонларда сумалақлар тайёланди, ўзбек миллий таоми – ош тайёрланиб, темирйўлчиларга тарқатилди. Соҳада фаолият кўрсатаётган илғорлар ишчи-хизматчилар билан бирга кекса темирйўлчилар – меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатилди, улар ҳолидан хабар олинди. Хусусан, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик



жамияти ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раҳбарияти томонидан Тошкент шаҳридаги 122 нафар нафақадаги ҳамда кам

таъминланган темирйўлчилар оиласига моддий ёрдам кўрсатилиб, озиқ-овқат тўпламларидан иборат совға-саломлар уйларига олиб бориб берилди.

Шунингдек, бу каби хайрли тадбирлар Жамиятнинг барча ҳудудларидаги темир йўл корхоналарида амалга оширилиб, фаолият кўрсатаётган илғор ходимлар ва нафақадаги темирйўлчилар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдам кўрсатилди.

24 март куни эса “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Бошқарма биносига ҳам Наврўз байрамини бағишланган катта тантана ташкил этилиши режалаштирилган.

Рустам ҲАЙДАРОВ

УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

ОБОД МАСКАНЛАРИНИНГ ФАЙЗИ, ТАРОВАТИ ЎЗГАЧА БЎЛАДИ

Мамлакатимизда 18 март куни Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш ҳамда муборак Рамазон ойини қарши олишга муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида “Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки” шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Ободлик тадбирида республикамиз бўйлаб 50 мингдан ортиқ темирйўлчилар ҳам иштирок этиб, ўзлари фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар атрофини ободонлаштиришда ва кўркам ҳолатга келтиришда. Эътиборлиси, бу галги умумхалқ хайрия ҳашарида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўламазорлаштириш тадбирларига катта аҳамият қаратилиб, тармоқ корхоналари атрофларига дарахт кўчатлари экилди.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси в.б. Х.Хасиловнинг 2023 йил 13 мартдаги “Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш тўғрисида”ги буйруғи асосида республикамизнинг барча ҳудудларида темирйўлчилар ҳам ушбу айёмни кўтаринки руҳда нишонлашмоқда. Хусусан, минтақавий темир йўл узелларида, корхона ва ташкилотларда, тиббиёт ҳамда ўқув муассасаларида соҳа ходимларини Наврўз умумхалқ байрамини катта тантана билан нишонлашлари учун барча шароитлар яратилди. Уларда юзқаруви раиси в.б. Х.Хасиловнинг 2023 йил 13 мартдаги “Наврўз

иштирок этиб, ўзларига бириктирилган ҳудудларни обод қилишди. Дарахтлар оқланди, ариқ ва зовурлар чиқиндилардан, йўлақлар эса ёввойи ўтлардан тозаланди, тўсиқлар бўялди, бинолар ва хоналар тартибга келтирилди.

“Тошкент минтақавий темир йўл узели” унитар корхонаси тасарруфидаги корхона ва станцияларда ҳам ободонлаштириш, тозаланиш ҳамда умумхалқ хайрия ҳашари муносиб ўтказилди ва барча ишчи-ходимлар кўтаринки кайфиятда иштирок этишди. Шу куни узелнинг ён-атрофи кўркам ҳолга келтирилиб, ободонлаштирилди. Дарахтлар оқланиб, ариқ ва зовурлар чиқиндилардан тозаланди.



“Бухоро минтақавий темир йўл узели” унитар корхонаси Худудий касаба уюшмаси тасарруфидаги 25 та корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳам ободонлаштириш ва тоза-



лаш ишлари ўтказилди ва унда 7 минг 300 нафар темирйўлчи фаол иштирок этди. Ободлик ҳашарида узелнинг барча корхона, ташкилот ва муассасалари ҳудудидаги 1 минг 530 та

дарахт оқланди ва уларга шакл берилди. Гул кўчатлари экилиб, ҳудудлар кўркам ҳолатга келтирилди.

ОБОД МАСКАНЛАРНИНГ ФАЙЗИ, ТАРОВАТИ ЎЗГАЧА БЎЛАДИ



«Давоми. Бошланиши 1-бетда»

метр ер майдони ўн тонна чиқиндидан тозаланди. 300 квадрат метр ер майдонидаги газонга шакл берилди. 2 минг 500 квадрат метр нотекис ер текисланди, йигирмата сув ўтказгич, иккита ҳовуз тозаланди. 2 мингга яқин мева ва манзарали дарахтлар ҳамда 4 минг 200 квадрат метр девор оқланди.

«Қўнғирот минтақавий темир йўл узели» унитар корхонасида меҳнат қилаётган темирйўлчилар ҳам тадбир баҳонасида улкан ободонлаштириш ишларини амалга оширишди. Кўча ва йўл бўйидаги сув қувурлари тозаланиб, ён-атроф тартибга келтирилди. Ерларга ишлов берилди, ўтиш йўлаклари ва бинолар атрофи тозаланди. Унда узелнинг барча корхона-ташкilotлари, станцияларида меҳнат қилаётган темирйўлчилар фаол иштирок этишди.

Мухтасар қилиб айтганда, Жамият тасарруфидаги ҳар бир корхонада «Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки» шиори остида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида фаол иштирок этган темирйўлчилар «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ўзлари фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ён-атрофи янада обод бўлиши ва кўкаламзорлаштирилиши йўлида юзлаб, минглаб гул, мева ва манзарали дарахт кўчатлари экиб, мавжуд дарахтларга ишлов бериб, ҳудудларнинг обод бўлишига муносиб ҳисса қўшишди.

Рустам ХАЙДАРОВ

ТЕМИР ЙЎЛ АТРОФЛАРИ ОБОДОНЛАШТИРИЛИБ, КЎРКАМ ҲОЛАТГА КЕЛТИРИЛДИ

Республикаимиз бўйлаб ўтказилган «Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки» шиори остидаги умумхалқ хайрия ҳашари «Тошкент минтақавий темир йўл узели» унитар корхонаси станциялари, корхоналари ҳамда хўжаликлариди ҳам уюшқоқлик билан ташкил қилинди.



18 март куни мамлакатимизда Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш, муборак Рамазон ойини муносиб қарши олишга тайёргарлик кўриш, маҳаллалар, аҳоли турар жойларини, корхона ва ташкilotлар ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки» шиори остида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш

умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Уюшқоқлик билан бошланган мазкур ҳашарда «Тошкент минтақавий темир йўл узели» унитар корхонаси таркибидagi станциялар, корхоналар ҳамда хўжаликларда

барча ишчи-ҳодимлар иштирок этиб, улар томонидан кенг кўламли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

Ҳашар давомида станция ҳудудлари, темир йўл атрофлари тартибга келтирилди.

ТИББИЁТ СОҲАСИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ШИФОКОРЛАР УЧУН МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Бугунги кунда тиббиёт соҳасининг тараққиёти шу касб ҳодимларининг билим ва кўникмаларини замон талабларига мувофиқ тақомиллаштириб боришни тақозо этмоқда.

Шу мақсадда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти тиббиёт муассасаларида тиббиёт мутахассисларини қайта тайёрлаш, улар-

нинг малакасини ва касбий билимларини янада ошириш йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг 2 мартдан 16 мартга қадар тиббиёт муассасаларининг ультратовуш текшируви шифокорлари учун маҳорат дарслари ташкиллаштирилди. Маҳорат дарслари «Саломатлик» ТСБП, Марказий поликлиника ва Марказий клиник шифохонада ўтказилиб, унда «Термиз», «Қўнғирот», «Анджон» ва «Қўқон» темир йўл даволаш профилактик муассасаларининг УТТ шифокорлари иштирок этди. Дарсларни

Тиббиёт ҳодимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ультратовуш ташхиси кафедраси ассистенти З.Жўраев олиб борди.

Машгулотлар давомида ультратовуш В- ва доплер-режимлар текшириш усуллари ёрдамида қорин бўшлиғи ички аъзолари, бош, бўйин, умуртқа погонаси, қўл-оёқ томирлари қон оқимининг ҳолатини баҳолаш ва қон-томир касалликларни ташхислаш мумкин бўладиган ҳолатлар ўрганилди. Бўйин ва бош томирларининг ультратовуш текширувини ўтказадиган ультратовуш диагностика шифокори қоннинг қаерда секинроқ, қаерда тезроқ оқиши ва қаерга қайтиши мумкинлигини, бузилишлар мавжудлиги ва веноз клапанлар тўлиқ ёпилишлари каби беморнинг турли ҳолатлари, турли касалликлардаги симптомлар чуқур ўрганилди.

Маҳорат дарслари орқали УТТ шифокорлари ультратовуш В- ва доплер-режимлар текширишининг янги усулларини ўрганди. Мазкур замонавий усуллар темирйўлчилар орасида касалликларни эрта аниқлаш, асоратларни олдини олиш, қиёсий ташхислашга хизмат қилади.



Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда тиббиёт соҳаси тизимини янада тақомиллаштириш, соҳада фаолият юритаётган мутахассислар касбий малакасини ошириш, тиббиётда илм-фанни ривожлантириш бўйича тиббиёт соҳаси олдида бир қатор вазифалар қўйилган.

БОЛАЖОНЛАР САЛОМАТЛИГИ ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти Соғлиқни сақлаш хизматининг мазкур вазифалар ижроси юзасидан амалга ошираётган ишлари эътиборга молик. Йўл болалар шифохонаси билан Тошкент тиббиёт академияси ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик самараси ўлароқ, бемор болалар касалликларини ўрганиш, уларни янгича ёндашувлар асосида даволаш, шифохона шифокорлари билан ўзаро касбий мулоқот, таҳлил ва тажриба алмашиш, ташхис қўйиш каби тиббий хизматлар сифати ошмоқда.

Жумладан, Тошкент тиббиёт академияси 1-сон болалар касалликлари кафедраси болаларни даволаш ва ташхислаш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан шифохона бўлимларида, жадвал асосида, ҳафта давомида ҳар бир бўлимда даволанаётган беморлар учун профессор-шифокор кўриги, маслаҳат, даволаш ишлари ташкил этилган.

Кафедра доценти, тиббиёт фанлари номзоди Э.Худойкулов каби тажрибали олимларнинг болаларни замонавий даволаш бўйича билим ва малакаси, маслаҳат ҳамда тавсиялари шифохона шифокорлари томонидан амалда татбиқ этилмоқда.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Қаерда тартиб-интизом, масъулият, жиноятчиликнинг олдини олишга эътибор кучайтирилса, иш самарадорлиги ортади.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти Соғлиқни сақлаш хизмати Урганч санитария-эпидемиология бўлимида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган йиғилишда ушбу масалалар муҳокама этилди.

Тадбирда иштирок этган Хоразм вилояти Транспортда ХТБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи катта инспектори, майор Р.Атаханов бугунги кунда юртимизда аҳолининг тинч-осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, бошқа ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этиш бўйича кенг кўламли ҳаракатлар бошлангани, янги тизим яратилгани ижобий натижалар бераётгани ҳақида гапирди.

Бироқ барча саъй-ҳаракатларга қарамасдан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича камчиликлар ҳали мавжудлиги, уларни бартараф этиш ва соҳадаги аҳолининг ўнглаш, давлатимиз томонидан берилган топшириқларнинг қатъий ижросини таъминлашда давлат идоралари, маҳалла фаоллари ва бошқа жамоатчилик тузилмаларининг ҳам-жиҳатлигини янада мустаҳкамлаш лозимлиги таъкидлади.

Шунингдек, жиноятчиликка қарши курашиш, темир йўлда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ишчи-ҳодимларга хизмат ваколатидан ташқари ишларга аралашмаслик тўғрисида алоҳида тушунтириш ишлари олиб борди.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга ҳам атрофлича жавоб олишди.

КОРХОНА ИШЧИ-ХОДИМЛАРИ УМУМХАЛҚ ҲАШАРИДА ИШТИРОК ЭТИШДИ

«Қуюв-механика заводи» шўба корхонасида 18 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 10 мартдаги № 111-Ғ фармойишига асосан «Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки» шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.



Ҳашарда завод ҳудудидида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Корхона ҳудуди 46 гектарни ташкил этиб, шундан 6 гектарли кўкаламзорлаштирилган ерлардаги ўтлар ўрилди ҳамда сўғорилди. 1 минг 200 та дарахт, 1 минг метр бордюр ва 200 м² деворлар оқланди. 1 минг 300 метр узунликдаги лоток ва ариқлар тозаланди. Цехлардаги металл чиқиндилар олиб чиқилди. Биноларнинг дераза ойналари юйиб тозаланди. Шунингдек, 52 дона манзарали дарахт кўчатлари ва 200 дона гуллар экилди. 3 гектардан ортик ҳудудлар супирилди. Жами экилган 2 минг манзарали дарахтлардан 400 та арчага шакл бериш ишлари олиб борилди. 1 минг 100 метр темир йўллар чиқинди ва ёввойи ўт-ўланлардан тозаланди.

Маълумки, Наврўз – янгилиниш ва яшариш байрами бўлиб, халқимизнинг ўзаро меҳр-оқибати ва ҳамжиҳатлигини намойён этади.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятида хайрия ҳашарлари ва экологик акциялар ўтказиш янада тоза ва обод қилишга ўз ҳиссасини қўшган «Қуюв-механика заводи» шўба корхонасининг барча ҳодимларига миннатдорчилик билдиради!

Ҳашар муносабати билан корхона томонидан «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг банк ҳисоб рақамига пул маблағлари ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Учкун ҚАҲҲОРОВ,
«Қуюв-механика заводи» шўба корхонаси
Касаба уюшма кўмитаси раиси



ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

ИЗ ЖИЗНИ ПРОФСОЮЗА

ҲАФТА ДАВОМИДА ТЕМИР ЙЎЛ КОРХОНАЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ҲАҚИДА

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ЎРТАСИДА "МОҲИР ОШПАЗЛАР" КЎРИК-ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ



21 март – Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан "Бухоро минтақавий темир йўл узели" унитар корхонаси Худудий касаба уюшма кўмитаси тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ишчи-ходимлар ўртасида "Моҳир ошпазлар" кўрик танлови ўтказилди.

Кўрик-танловда 20 та жамоа иштирок этиб, ошпазлар томонидан бир неча хил ош турлари тайёрланди ва ҳақамлар ҳайъати аъзолари томонидан муносиб баҳоланди.

Кўрик-танлов натижаларига кўра 1-ўринни "Тинчлик" локомотив депоси жамоаси қўлга киритди. 2-ўринни "Бухоро" вагон депоси жамоаси эгаллади. Кучли учликдан Учқудуқ темир йўл масофаси корхонаси жамоаси жой олди.

Ҳолибликни қўлга киритган жамоалар пул мукофоти ҳамда сертификат билан тақдирланди. Кўрик-танлов иштирокчиларига узел раҳбарияти ва Худудий касаба уюшма кўмитасининг эсдалик совғалари ҳам топширилди.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорти қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши тасарруфидаги Марказий касаба уюшма кутубхонасида Тошкент темир йўл техникуми ҳамда Темирйўлчилар маданият саройи билан ҳамкорликда "Наврўз – кадр-қиммат, меҳр-муруват ва анъаналар тимсоли" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси аъзоси, шоир, адабиёт ва журналистикада узок йиллардан буён қалам тебратиб келаётган Абдулла Айизов, Тошкент темир йўл техникуми бўлими бошлиғи, филология фанлари номзоди, фалсафа фанлари доктори Баҳром Жуманиязов ҳамда техникум ёшлар етакчиси Дилбар Режаметова бошчилигидаги техникумнинг Локомотив машинистлар тайёрлаш бўлими ўқувчилари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти ва эзгу қадриятларини ўзида яққол мужассам этган, она табиат ва одамлар руҳиятида юз берадиган яшариш, янгиланиш ва юксалишларни асрлар давомида тўла намоеён қилиб келаётган Наврўз энг ардоқли миллий байрамларимиздан бири эканлиги ҳақида айтиб ўтишди.

Миллати, тили ва динидан қатъи назар ҳар бир ватандошимиз ўзининг ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қиммати тобора чуқур англаб бораётган Янги Ўзбекистон шароитида Наврўз том маънода умумхалқ байрамга айланиб, эл-юртимиз томонидан катта шоду хуррамлик билан нишонланаётгани эътироф этилди.

ТЕРМИЗЛИКЛАР ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШДИ

Обод юртининг файзи, таровати ўзгача бўлади. Ўтган ҳафта мамлакатимиз бўйлаб умумхалқ ободонлаштириш хайрия ҳашари ўтказилди.



Унда "Термиз минтақавий темир йўл узели" унитар корхонаси ҳамда узелга қарашли ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар фаол иштирок этишди.

Ободлик тадбирида узел ҳудудидаги ариқ ва зовурлар тазаланди, ерларга ишлов берилиб, мевали ва манзарали даракт кўчатлари ҳамда гуллар экилди.

МИНГДАН ОРТИҚ МЕВАЛИ ВА МАНЗАРАЛИ КЎЧАТЛАР ЭКИЛДИ

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 2023 йил 15 март кунлигидаги № НР Н/765-А-сонли телеграммаси ҳамда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида Тошғуздор тортув ним станцияси ҳудудида 1 мингдан ортиқ мевали ва манзарали даракт кўчатлари экилди.

Ушбу кўкаламзорлаштириш лойиҳасида "Қарши минтақавий темир йўл узели" унитар

корхонаси ҳамда узелга қарашли Қарши электр таъминоти корхонаси ишчи-ходимлари фаол иштирок этишди. Шунингдек, ҳашарчиларга ош дамлашиб байрам дастурхони ташкил этилди.

ҲАР БИР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

"Ўзбекистон" локомотив депосида ҳам Наврўз умумхалқ байрами шуқуҳи кезмоқда.

Депо худуди ям-яшил майса ва анвои гулларга бурканган. У ерда меҳнат қилиб келаётган барча темирйўлчилар кўтаринки кайфиятда.



Шу кунларда юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам анъанавий ўтказилиб келинаётган Наврўз умумхалқ байрами депода ҳам кенг нишонланди ва ўзбек халқининг миллий таомлари бўлган ҳалим ва сумалак тайёрланди.

Корхонада ташкил этилган байрам сайли кўтаринки руҳда ўтди.

Шунингдек, корхонада байрам дастурхони ёзилиб, депо ишчи-ходимлари томонидан тайёрланган миллий таомлардан ҳалим, сумалак ҳамда ош кўп йиллардан буён хизмат қилиб келаётган ишчиларга ва ҳозирги кунда нафақада бўлган пенсионерларга ҳам улашилиб, улар ҳолидан хабар олинди.

Кексалар эса кўлини дуога очиб, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини Яратгандан сўрашди. Депо раҳбарияти ва Касаба уюшма кўмитасига ўз миннатдорчилигини билдиришди.

НАВРЎЗ САЙЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

"Термиз" локомотив депосида миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва миллий таомларимизни ўзида мужассамлаштирган "Ҳар кунинг Наврўз бўлсин!" шиори остида Наврўз сайли ташкил этилди.

Наврўз сайлига "Термиз минтақавий темир йўл узели" унитар корхонаси бошлиғи Ф.Гиязов, бош муҳандис М.Кенжаев ва Касаба уюшма кўмитаси раиси Ғ.Даминовлар таширф буюришди. Сайлда депо ходимлари миллий урф-одатларимиз асосида ўзининг саҳна кўринишлари орқали барча Наврўз сайли иштирокчиларига байрам кайфиятини улаштирди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ТЕМИР ЙЎЛ ҲУДУДИ ҲАММА УЧУН, АЙНИҚСА, ЁШ БОЛАЛАР УЧУН ЎТА ХАВФЛИДИР

Темир йўл транспорти мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири дея эътироф этилишини ҳаммамиз яхши биламиз. Шу билан бирга темир йўл транспортида олиб борилаётган ишлар жараёни, ҳудуди ниҳоятда масъулиятлиги, хавфлилигини баъзи фуқароларимиз англамайди.

Ўтган 2022 йил давомида Фарғона водийсида жойлашган темир йўл кесимларида 13 та ноҳуш ҳолат содир бўлган ва бунинг натижасида 6 нафар фуқаро турли хил тан жароҳатлари олган. 2023 йилнинг ўтган икки ойида эса водийда жойлашган темир йўл кесимларида 3 та ҳолатда поездлар ва автотранспорт воситалари тўқнашган.

Темир йўл кесимларида содир этилаётган тўқнашувларнинг асосий сабаби автотранспорт

воситалари ҳайдовчиларини йўл ҳаракати қоидаларини қўпол тарзда бузишлари оқибатида содир бўлмоқда.

Поездлар фуқароларни уриб кетиши таҳлил қилинганда, фуқароларимизнинг эҳтиётсизлиги, бепарволиги ҳамда темир йўлдан ўтиш қоидаларига риоя қилмасликлари оқибатида бу каби ҳолатлар содир этилаётганлиги маълум бўлди.

Темир йўл ҳудуди ҳамма учун, айниса, ёш болалар учун ўта хавфлидир. Биз ўз фарзандларимизга темир йўл – хавфли ҳудуд эканлигини доимо тушунтириб боришимиз керак. Ҳар бир инсон темир йўлга яқинлашганда эҳтиёткор бўлиши, ҳаракат таркиби йўқлигига аниқ ишонч ҳосил қилгандан сўнг темир йўлни кесиб ўтиши, темир йўл излари бўйлаб юрмасликлари керак. Темир йўл ҳудудида юрганда қуйидаги қоидаларга қатъий амал қилиш талаб этилади. Хусусан, темир йўлни фақат махсус ажратилган жойлардан кесиб ўтиш, ўтиш жойларида рельс устига

оёқ қўймасдан ҳаракатланиш, рельслар устида юрмаслик, вагонлар тагидан ўтмаслик, вагонлар ва автоматик улагичлар устига чиқмаслик, платформа ва йўлларда ўйнамаслик, ҳаракатда бўлган поезд олдида кесиб ўтмаслик ва темир йўл станцияларида болалар фақат катталар назорати остида бўлиши, кичик болаларни қўлидан ушлаб туриши тавсия этилади.

Темир йўл ҳудудида жойлашган аҳолидан чорва ҳайвонларини темир йўл бўйларига олиб юрмаслик талаб этилади. Хурматли катталар! Болаларни темир йўл яқинида ёлғиз қолдирманг! Эсингизда бўлсин, бу уларнинг ҳаёти учун хавфли!

Б.МУҚИМОВ,
"Ўзтемирйўлназорат" инспекцияси
Фарғона филиали бош инспектори,
А.ҲАЙДАРОВ,
Қўқон темир йўл масофаси муҳандиси

ГОРОСКОП
неделю с 27 марта по 2 апреля 2023 года

Овен
У Овна наступил лучший период для сделок с недвижимостью. Вы окажетесь в плюсе как при продаже, так и при покупке. Также сейчас благоприятно провести время с семьей: заняться делами, которые давно откладывались, сделать покупки, причём, если планировали купить что-то масштабное, сейчас как раз тот период.

Телец
Первая половина периода принесёт Тельцам новые романтические увлечения, страстные приключения. В профессиональной сфере деятельности вы справитесь с любым делом без серьёзных усилий. Стремление к лидерству и блестящие организаторские способности — вот что поможет собрать вокруг себя единомышленников.

Близнецы
Близнецы, если вы ждали знака, чтобы, наконец, реализовать то, что долго планировали, то это он! Сейчас отличный период для любых начинаний. Будет возможность проявить себя в качестве отличного управленца. Ваша энергия, харизма и сексуальная привлекательность будут ключом.

Рак
У Раков наступил судьбоносный период во всех сферах. Женщи-

нам сейчас может повезёт встретиться со своим единственным. А мужчины, в свою очередь, сейчас получат шанс пересмотреть многие свои цели и жизненные ценности.

Лев
Сейчас Львам пойдёт на пользу активный отдых и общение в коллективе. Ваши великодушье, щедрость и теплота принесут радость любому обществу, вселят оптимизм и веру в светлое будущее в окружающих. Новое увлечение окажется кратковременным.

Дева
У Дев на этой неделе жизненный потенциал повысится, особенно у женщин. Вы будете в центре внимания везде, где появляетесь. Душой любой компании вас сделают неотразимостью, оптимизм и остроумие. Доверительными и гармоничными будут отношения с близким для вас человеком.

Весы
Прекрасный период наступил у Весов для приёма гостей, романтического свидания, дружеского общения. Вероятны знаки повышенного внимания противоположного пола. Активность на работе будет вознаграждена руководством. Не обойдут вниманием и деловые партнёры. Вам не стоит брать на себя непосильные обязательства, скоординируйте свои действия и делегируйте полномочия.

Скорпион
У Скорпионов сейчас может исполниться заветное желание. Причём самое смелое и амбициозное. Все усилия, которые вы приложили, все ваши старания окупаются уже сейчас. Но не стоит почитать на лаврах, впереди вас ждёт ещё много интересной работы. Возможно, придёт помощь в образе могущественного наставника.

Стрелец
Стрельцы, если вы задумывались о смене работы, изменениях профессиональной ориентации, переводе в иные учебные заведения — сейчас подходящее для этого время. Вы сможете на несколько ступенек подняться по карьерной лестнице, что принесёт вам увеличение доходов. Если не успеете принять серьёзные решения в первой половине недели, вторая половина будет полна препятствий.

Козерог
Козероги, солнце сейчас светит исключительно в вашу сторону. Так будет казаться и не зря. Энергия, творческий потенциал, интуиция и общая чувствительность будут на максимуме. Используйте их на полную катушку. Начните новые, смелые проекты, высказывайте нестандартные решения профессиональных задач, всё пойдёт только на пользу вашей репутации и выделит среди коллег.

Водолей
Профессиональная реализация ждёт Водолеев на этой неделе. Благоприятное время для командировок, совещаний, нахождения новых карьерных интересов. Бизнес-решения будут оригинальными и эффективными. Творческая часть процесса также будет успешно реализована.

Рыбы
У Рыб наступил отличный период для отдыха на природе. Можно устроить пикник, выехать за город или просто устроить субботник на даче. Старайтесь минимизировать использование внешних источников: СМИ, соцсети и так далее. Попробуйте услышать себя и отдохнуть от лишней информации извне.

СПОРТИВНЫЕ УСПЕХИ – НАВРУЗУ

Состоялись спортивные соревнования, приуроченные ко дню весеннего равноденствия. Какие состязания посвящены празднику в локомотивном депо Карши?

Во второй декаде марта спортивными силами, сноровкой и смекалкой соревновались 8 команд по мини футболу. В составе команд инструкторы и помощники машинистов и машинисты электровозов, тепловозов, работники по хозяйству, рабочие ремонтного цеха тепловоза и электровоза, а также административно-управленческий персонал. Жеребьевка проходила в группы А и Б. Команды, вышедшие в полуфинал соревновались за 1, 2 и 3 места. В достойной игре по праву выиграла первое место команда помощников машинистов и машинистов электровоза. Вторыми стали помощники машинистов и машинистов тепловоза, а третье место досталось команде, состоящей из административно-управленческого персонала. Они были награждены памятными подарками.

Следующий день прошёл под знаком волейбольных соревнований. В соревновании участвовали 6 команд. Состав команд также состоял из специалистов локомотивного депо. По результатам жеребьевки команды разделились на группы А и Б. По накалу страстей и эмоциям игра не уступала профессионалам. Самой сильной волейбольной командой оказался коллектив помощников машинистов и машинистов электровоза. Второй результат показала команда слесарей электровозного цеха. Третье место занял административно-управленческий персонал. В память о соревнованиях команды награждены ценными подарками.

Всего в 26 цехах локомотивного депо Карши трудится более 800 работников, из них большую часть представляет молодежь.

Соревнования прошли с целью привлечения молодежи к массовому спорту и здоровому образу жизни.

С.БОЗОРОВ,
Председатель первичного профсоюзного комитета локомотивного депо Карши



НА ДОРОГАХ МИРА

ПРИОСТАНОВЛЕНО ДВИЖЕНИЕ Поезда GOLDENPASS EXPRESS ПО УЧАСТКУ КОЛЕИ 1435 ММ

Швейцарская железная дорога Bern-Lötschberg-Simplon (BLS) была вынуждена остановить на участке Цвайзиммен — Интерлакен колеи 1435 мм движение туристического поезда GoldenPass Express, вагоны которого оборудованы раздвижными колесными парами и способны курсировать также по горному участку Монтрэ — Цвайзиммен метровой колеи железнодорожной компании Montreux Oberland Bernois (MOB). С начала декабря 2022 г. этот поезд обращался по маршруту Интерлакен — Монтрэ и пользовался большой популярностью у туристов.

В конце февраля 2023 г. специалисты BLS обнаружили в ходе планового обследования повышенный износ стрелочных переводов на участке Цвайзиммен — Интерлакен. До окончания расследования и выяснения причин произошедшего пассажирам придется делать пересадку в Цвайзиммене.

Повышенный износ стрелочных переводов при движении других поездов не обнаружен. Обследование тележки поезда GoldenPass Express также подтвердило соответствие их параметров требуемым значениям. Железнодорожные компании BLS и MOB (владелец поезда) рассматривают, что смогут вскоре вернуть этот поезд на весь маршрут.

Вагоны для поезда GoldenPass Express поставила компания Stadler, тележки с раздвижными колесными парами для них разработала компания Prose.

В ИНДИИ ПОЛНОСТЬЮ ЭЛЕКТРИФИЦИРОВАНА ЖЕЛЕЗНАЯ ДОРОГА CENTRAL

Железная дорога Central, управление которой размещается в Мумбаи (Индия), объявила о завершении сплошной электрификации сети линий колеи 1676 мм общей протяженностью 3825 км. С этой железной дороги началась электрификация в стране: первый поезд на электрической тяге прошел в феврале 1925 г. на участке Бомбей-Виктория (теперь Чхатрапати-Шиваджи) — Курла (пригород Мумбаи), электрифицированно на постоянном токе напряжением 1,5 кВ.

Перевод линий, электрифицированных на постоянном токе, на переменный начался в 2001 г. и завершился в 2016 г. Работы проводились без существенных перерывов в пригородном движении. С 2014 г. темпы электрификации магистрали возросли в 9 раз.

Central входит в состав железных дорог Индии (IR) и обслуживает центральную часть страны. Кроме Мумбаи, в ее зоне находятся такие крупные города, как Нагпур, Пуна, Насик. На ее сети обращаются многие известные в стране фирменные поезда.

Полная электрификация железной дороги Central позволит снизить углеродные выбросы более чем на 500 тыс. т в год и сократить эксплуатационные расходы на 16,7 млрд рупий (202,1 млн долл.





DONOLAR XAZINASIDAN

Haq yo'linda kim senga bir harf o'qitish ranj ila,
Aylamak bo'lmas ado, oning haqin yuz ganch ila.

Alisher Navoiy

Jahonda bo'lmasa muallim agar,
Hayot ham bo'lmasdi go'zal bu qadar.

Abdurahmon Jomiy

Hayot yo'lida birinchi masala – maktab masalasidir.

Fitrat

Ilmdan bir shu'la dilga tushgan on,
Shunda bilursankim, ilm bepoyon.

A.Firdavsiy

O'quv qayda bo'lsa, ulug'lik bo'lur,
Bilim qayda bo'lsa, buyuklik bo'lur.

Yusuf Xos Hojib

Bilim qaytarish va takrorlash mevasidir.

Abu Rayhon Beruniy

Ilmdan yaxshiroq xazina bo'lmas,
Qo'lingdan kelgancha tera olsang, bas.

Abu Abdullo Rudakiy

SPORT

Mamlakatimiz mezbonligida o'tgan Osiyo kubogi U20 turniri finalida O'zbekiston yoshlar jamoasi Iroqni mag'lub etib, qit'a chempioniga aylandi.

O'ZBEKISTON YOSHLAR JAMOASI OSIYO CHEMPIONI BO'LDI



Hal qiluvchi bahsda Ravshan Haydarov shogirdlarini qo'llab-quvvatlash uchun stadionga shaxsan mamlakat rahbari Shavkat Mirziyoyev ham tashrif buyurgan edi.

Qiziqarli va kurashlarga boy o'tgan to'qnashuvning 72-daqiqasida Abbosbek Fayzullayev tomonidan ishlangan penaltini Umarali Rahmonaliyev golga aylantirib stadionni larzaga keltirdi – 1:0. Bu yakuniy natijaga aylandi.

Shu tariqa, O'zbekiston yoshlar jamoasi Osiyo chempioniga aylandi.

Iroqqa qarshi finaldagi g'alaba bilan O'zbekiston o'ziga xos trebl qayd etdi – uch xil yosh toifasida Osiyo chempioni bo'ldi. Vakillarimiz bungacha 2012 yil o'smirlar o'rtasida Osiyo chempionligini qo'lga kiritgan bo'lsa, 2018 yil Xitoyda Ravshan Haydarov qo'l ostida Osiyo kubogi U23 g'olibiga aylangandi. Bugungi g'alaba Haydarovga oltin dubl, O'zbekistonga esa treblni keltirdi. Bungacha Osiyoda faqatgina 4 jamoa – Janubiy Koreya, Yaponiya, Saudiya Arabistoni va Iroq bunday natijaga erisha olgandi.

Ta'kidlash lozimki, O'zbekiston U20 jamoasi Toshkentda o'tkazilgan Osiyo chempionati finalida g'olib bo'lish natijasida Ravshan Hadarov O'zbekiston bilan rasmiy musobaqalarda 2 marta g'alaba qozongan birinchi murabbiy bo'ldi. U 2018 yilda Xitoyda o'tkazilgan Osiyo chempionatida O'zbekiston U23 jamoasi bilan finalga chiqib, Vyetnam yoshlar jamoasini qo'shimcha taymlardan keyin 2:1 hisobida mag'lub etgan edi.

O'zbekistonning turli yoshdagi jamoalari bilan finalga chiqqan barcha murabbiylar va ularning natijalari:

1. Rustam Akramov – 1994 yili Yaponiyaning Xirosima shahrida o'tkazilgan Osiyo o'yinlarida O'zbekiston milliy jamoasi bilan finalga chiqib, Xitoy 4:2 hisobida mag'lub etgan.

2. Ahmadjon Ubaydullayev – 2008 yilda Saudiya Arabistonida o'tkazilgan Osiyo chempionatida O'zbekiston U19 jamoasi bilan finalga chiqib, BAA yoshlar jamoasiga 1:2 hisobida yutqazgan.

3. Aleksey Yevstafeyev – 2010 yilda Toshkentda o'tkazilgan Osiyo chempionatida O'zbekiston U16 jamoasi bilan finalga chiqib, KXDR o'smirlar jamoasiga 0:2 hisobida yutqazgan.

4. Dilshod Nuraliyev – 2012 yilda Eronda o'tkazilgan Osiyo chempionatida O'zbekiston U16 jamoasi bilan finalga chiqib, Yaponiya o'smirlar jamoasini penaltilar seriyasida 3:1 hisobida mag'lub etgan (asosiy vaqt 1:1).

5. Ravshan Haydarov – 2018 yilda Xitoyda o'tkazilgan Osiyo chempionatida O'zbekiston U23 jamoasi bilan finalga chiqib, Vyetnam yoshlar jamoasini qo'shimcha taymlardan keyin 2:1 hisobida mag'lub etgan.

6. Temur Kapatze – 2022 yilda O'zbekistonda o'tkazilayotgan Osiyo chempionatida O'zbekiston U23 jamoasi bilan finalga chiqdi. Hal qiluvchi bahsda Saudiya Arabistoni yoshlar jamoasiga 0:2 hisobida yutqazdi.

7. Ravshan Haydarov – 2023 yilda O'zbekistonda o'tkazilgan Osiyo chempionatida O'zbekiston U20 jamoasi bilan finalga chiqib, Iroq o'smirlar jamoasini 1:0 hisobida mag'lub etdi.

MUASSISLAR:

“O'zbekiston temir yo'llari” aksiyadorlik jamiyati,
O'zbekiston temiryo'lchilari va transport quruvchilari kasaba uyushmasi Respublika Kengashi

Tahrir kengashi:

Ramatov A.J.
Xasilov X.N.
Sabirov Q.S.
Yusupov J.Z.
Baltabayev A.A.

Bosh muharrir

Rustam HAYDAROV

Navbatchi muharrir –
Umida UMARXODJAYEVA

Sahifalovchi –
Gulzoda BOLTAYEVA

Fotomuxbir –
Yoqubjon MUROTOV

Musahhih –
Umida TO'YCHIBOYEVA

Manzilimiz: 100047, Toshkent sh., Amir Temur shohko'chasi, 4-uy.
Bosh muharrir: (71) 236-48-54
Qabulxonasi: (71) 236-48-92
Muxbirlar: (71) 236-48-71
Faks: (71) 236-48-53

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0139-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida sahifalandi
ISSN: 2181-6158

Buyurtma G-333 Bosishga topshirildi: 19:30 1 2 3 4 5 6

TERMIZLIK TEMIRYO'LCHILAR HAM ATROF-MUHITNI OBODONLASHTIRISHDI

Navro'z kunlarida atrofda ajib manzaralar barq urib, tabiat uyg'onmoqda. Bahor havosidan qalblarga tarovat, iliqlik yugurmoqda. Yangilanish, yasharish fasli boshlandi.

Shukuhli bu kunlarda esa yurtimizda Navro'z umumxalq bayrami keng nishonlanmoqda. Ayniqsa, tinchlik va hayotni ulug'laydigan, yasharish va yangilanishni sharaflaydigan bayram – Navro'zning bu yilgi qadri o'zgarib, chunki, iqlim o'zgarishi oqibatida bo'layotgan anomal sovuqlar bizning yurtimizni ham chetlab o'tmadi. Bu sinovlar xalqimizni biroz xavotirga solib qo'ydi, desak ayni haqiqat bo'ladi.

Qadimdan xalqimiz ko'klamga yetib olsak, hammasi yaxshi bo'ladi, deb duolar qilishgan. Azaldan pok niyati va yorug' umidiga tayangan olijanob xalqimiz o'z mehnati va matonati, ulkan sabr-toqati bilan bu sinovlardan ustun keldi. Ha, Navro'zning butun mihiyatida xalqimizning ezigulikparvar qalbi namoyon bo'ladi. Ming yillar davomida ma'naviy hayotimizning ko'rku ziynati bo'lib kelayotgan bu ajoyib, xosiyatli bayram bugun qalblarimizga yana chek-



siz quvonch va zavq bag'ishlamoqda. Navro'z qadim va boqiy bayram. Xususan, buyuk vatandoshimiz Al-Hakim al-Termiziy o'zining “Navro'znoma” asarida Navro'z va Navro'z bayrami tafsilotlari barobarida uning kelishi haftaning qaysi kunlariga to'g'ri kelsa, yilning qanday kechishini, dehqonchilik, savdo-sotiq hamda boshqa sohalarida tabiat va zamonning avzoyini osmon yoritgichlari harakatlari orqali asoslab beradi va kitob haqida: “Toki har kim o'qisa, taqvimga muhtoj bo'lmas va harchand (qancha) zamon o'tsa ham bu nusxa mansux (eski) bo'lmas”, deydi.



lashtirish ishlarini amalga oshirishdi.

“Yashil makon” umummilliy loyihasi doirasida 1 ming 509 dona gul, 3 ming 81 dona mevali hamda 2 ming 698 dona manzarali daraxt ko'chatlari ekildi. 6 ming 144 dona daraxtlarni oqlash hamda shakliga keltirish ishlari amalga oshirildi.

Mehnat jamoalarida sumalak sayilari, sport musobaqalari tashkil etilib, nogiron va nogiron farzandi bor ijtimoiy himoyaga muhtoj 161 nafar oilalarga manzilli oziq-ovqatlar jamlanmasi tarqatildi. O'z kasbining ustasi bo'lgan, jamoat ishlarida faol ishtirok etayotgan bir guruh temiryo'lchilarga mashhur so'z ustasi Avaz Oxun konsertiga chiptalar tarqatildi.

Navro'z umumxalq bayrami elimizda obodlik, tinchlik-totuvlik, millatlararo ahillik, bag'rikenglik ramzi, qalblarimizda ezigulik uyg'otadigan haqiqiy sharqona bayram bo'lib qolaveradi.

SH.TURSUNOV,
“Termiz mintaqaviy temir yo'l uzeli” unitar korxonasi Huddudiy kasaba uyushmasi qo'mitasi ish boshqaruvchisi

SHERIYAT OLAMI

NAVRO'Z

*Bahorni bilmagan ellarni ko'rdim,
Bir chechak kulmagan yerlarni ko'rdim.
O'zingni sog'inib keladi Navro'z,
Kaftingga ko'z suray, dehqonim, yurtim,
O'zingdan o'rgulay, bog'bonim, yurtim.*

*Chuchmoma chayqalib, chalar qo'ng'iroq,
Hayot hidin sochar uyg'ongan tuproq,
Ildiz suvratini chizadi chaqmoq,
Kaftingga ko'z suray, dehqonim, yurtim,
O'zingdan o'rgulay, bog'bonim, yurtim.*

*Mehmonni chorlaydi sumalaklaring,
Qizlaring bog'laydi jamalaklaring.
Saodatga ko'prik kamalaklaring,
Kaftingga ko'z suray, dehqonim, yurtim,
O'zingdan o'rgulay, bog'bonim, yurtim.*

*Ey, kafti qadog'u ko'ngli yumshoq el,
Quyoshda qoraygan, yuragi oq el,
Duoga qo'l ochgan, tilagi oq el,
Kaftingga ko'z suray, dehqonim, yurtim,
O'zingdan o'rgulay, bog'bonim, yurtim.*

*Muqaddas yering bor, qutlug' osmon bor,
Suyangan tog'ing bor, dilda iymon bor.
Ulug' bog'istonga buyuk bog'bon bor,
Kaftingga ko'z suray, dehqonim, yurtim,
O'zingdan o'rgulay, bog'bonim, yurtim.*



BAYRAM SHUKHI

“TOSHKENT MINTAQAVIY TEMIR YO'L UZELI” UNITAR KORXONASIDA NAVRO'Z BAYRAMI KO'TARINKI RUHDA TASHKIL QILINDI!

Navro'z bu tinchlik, totuvlik, farovonlik bayrami. Millati, dinidan qat'i nazar, shu yurtda yashayotgan barcha millatlar, elatlar uchun birdek sevimli ayyom. Keksayu yosh uchun birdek aziz shodiyona!

Bahor va tabiat uyg'onishining tim-soli, sharqona yangi yilning boshlanishi bo'lgan Navro'zi olamni baland ruh va katta shodiyona bilan nishonlash azal-azaldan el-yurtimiz uchun go'zal an'ana hisoblanadi.

Bu bayram oddiy bayram emas, balki xalqimizning tarixi, falsafasi, qadriyatlarini o'zida mujassam etgan, millat



bilan ulg'ayib, millat bilan birga taraqqiy etgan bayram. Bu bayram qadim-qadim zamonlardan buyon elimiz ardoqlab kelayotgan yurtimizni ulug'lab kelayotgan bayram.

Navro'z umumxalq bayrami butun mamlakatimizda bo'lgani singari “Toshkent mintaqaviy temir yo'l uzeli” unitar korxonasida ham “Har kuning Navro'z bo'lsin, degan O'zbekistonim!” bayram bosh g'oya asosida ko'tarinki ruhda tashkil qilindi.

Navro'z bayrami munosabati bilan



doshqozonda milliy taomlar – sumalak hamda osh tayyorlandi.

Xalqimizga xos bo'lgan mehr-muruvvat fazilatlarini davom ettirib, Uzel rahbariyati tomonidan muhtaram nuroniyalarimiz, yordam va ko'makka muhtoj fuqarolarimiz holidan xabar olinib, ularga oziq-ovqat jamlanmasidan iborat bo'lgan bayram sovg'alari berildi.

Naro'z shodiyonalari uzelnining barcha stansiyalari, korxonalarida hamda xo'jaliklarida ham keng nishonlanmoqda.